

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМАҚСУДОВА САОДАТ ХИДОЯТОВНА

**МЕДИАМАТНЛАРНИНГ ТИЛИ, УСЛУБИ
ВА ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philological sciences**

Шамаксудова Саодат Хидоятовна Медиаматнларнинг тили, услуби ва жанрий хусусиятлари.....	3
Шамаксудова Саодат Хидоятовна Язык, стиль и жанровые особенности медиатекстов	23
Shamaksudova Saodat Khidoyatovna Language, style and genre features of media texts.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМАҚСУДОВА САОДАТ ХИДОЯТОВНА

**МЕДИАМАТНЛАРНИНГ ТИЛИ, УСЛУБИ
ВА ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil631 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.uzjoku.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исраил Муқаддас Иргашевна
филология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Тешабаева Дилфуза Мўминовна
филология фанлари доктори, профессор

Маҳмудова Севара Ирисалиевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com)

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com)

Диссертация автореферати 2023 йил “_____” _____ куни тарқатилди.

(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.А. Мўминов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Н.Ф. Муратова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари номзоди,
доцент

Қ.Т. Ирнараров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув даврида мураккаб ижтимоий муносабатлар турли шакл ва усулларда кечади. Айниқса, оммавий мулоқот энг муҳим фаолият соҳаси бўлиб, ижтимоий вазифаси, ахборот мавзуси, лисоний-услубий ва жанрий хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Дунёнинг илғор мамлакатлари – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Малайзия, Франция, Япония, Россия ва Туркияда медиаматнлар тили ва услубини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. ОАВ тилининг ўрганилиш даражаси сўнгги йилларда жадал ривожланиб бормоқда. ОАВ тили ва тафаккур, ОАВ тили ва жамият, ОАВ тили ва маданиятшунослик, ОАВ тили ва сиёсат каби кўпсонли алоқалар ва функцияларнинг шаклланиши уларни махсус ихтисослашган соҳада тадқиқ қилиш заруратини юзага келтирди.

Жаҳон амалиётида массмедиа ва нутқий-фикрий фаолиятнинг қатъий назариясини яратиш журналистика илми олдида турган долзарб вазифадир. Массмедияни ўрганишда муайян усул ва таҳлилий жараёнлар (тарихий, типологик таҳлил, тавсифий таҳлил, ижтимоий таҳлил, ижтимоий-психологик таҳлил, дискурсив таҳлил, контент-таҳлил, маъновий таҳлил, лисоний таҳлил, услубий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва бошқалар) муҳим аҳамият касб этади. Айни маънода ОАВ тилининг услубий ҳолатини аниқлаш, шунингдек, медиаматнларни тавсифлаш усуллари ва ижтимоий-маданий омилларнинг медианутққа таъсири ва таъсир этишнинг лингвомедиа технологияларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ахборот манбаларини янада ортиши натижасида, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, инсонларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, долзарб мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикрлар билан чиқиш имконияти яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йилнинг 27 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги”да “Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимиздаги турган долзарб вазифадир”¹, дея миллий медиамакондаги ҳолатга баҳо берган.

“Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истикболи ҳақида амалий таклиф ва ташаббуслар билдирилаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга”².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. // Янги Ўзбекистон, 2022 йил 28 июнь. – 1-б.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/2954>.

Ўзбек тилидаги медиаматнларнинг долзарб мавзуда, ишончли далиллар асосида яратилиши, адабий тил қоидалари доирасида, услубий-жанрий ранг-баранг бўлиши талаб этилади. Лекин журналистик жанрларнинг мавжуд тизими тил меъёрларидан фаркли, чунки медиаматнлар лингвистик ва экстралингвистик омиллар жамланмаси воситасида яратилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февридаги ПФ-494-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йилнинг 2 февридаги ПФ-5653-сонли “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва 2022 йилнинг 27 июндаги ПҚ-294-сонли “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан-технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Медиа тили ва услуби, унинг жанрий хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашлар Ж. Мамедов, Э. Оручов, С. Исаев, А. Бобоева, Ш. Абдураимова, А. Абдусаидов, А. Шомақсудов, И. Тошалиев, Қ. Ирназаров, Г. Бакиева, Д. Тешабаева, П. Алламбергенова, Б. Дўстқораев, М. Худойқулов, Я. Маматова, С. Арифханова, А. Нурматов, Н. Тошпўлатова, Н. Муратова каби журналист ва филолог-олимларнинг тадқиқотларида³ илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

³ Мамедов Ж. Газетный стиль современного азербайджанского литературного языка: автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Баку, 1973. - 34 с.; Оручов Э. «Экинчи» газетиниқ дили: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Баку, 1974. - 32 с.; Исаев М. Становление и развитие языка казахской периодической печати: Автореф.дисс. ... докт. филол. наук. – Алма-Ата, 1974. -106 с.; Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Т.: Фан, 1983. -55 б.; Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши: Филол. Фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 1995. -24 б.; Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. – Самарқанд, 2004. -102 б.; Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма (на материале местных и республиканских газет 70-80 годов). Автореф. дис. ...канд. филол.наук. – Т.: 1988. -23 с.; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Фил. фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 2005. -291 б.; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. -148 б.; Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. –Т.: 1995. -96 б.; Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий

МДХ давлатларида медиаматнларни ўрганишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. В. Костомаров, Г. Солганик, Д. Розенталь, Э. Алиева, Ю. Антонова, М. Желтухина, И. Жуков, Е. Покровская, Т. Добросклонская, М. Дускаева, М. Бахтин, Г. Винокур, М. Володина, И. Гальперин тадқиқотларида оммавий ахборот воситалари тили ва услуги ўрганилган.⁴

Ғарблик мутахассислар Лаурен Кесслер, Данкан Макдоналд, Колин Макфарлейн, Х. Джонс, Силвия Жаворска, Эрхан Аслан, Назми Авчи, С. Озеркан, Й. Юрдигул тадқиқотларида медиаматнларнинг тил хусусиятлари, жанрий-услубий жиҳатлари, массмедиа аспектида медиаматнларнинг юзага келиш қоидаларини илмий-назарий ўрганишга эътибор қаратилган⁵.

Бугунги кунда медиаматнларнинг ўзига хос хусусиятлари: тили, услуги ва жанрий хусусиятлари, таркибий қисмлари, медиаматн яратиш ва таҳрир этиш масалалари бўйича изланишларга журналистика илмида эҳтиёж катта. Инсон онги, тафаккурини ўзгариши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар медиаматнларнинг моҳиятига, шаклига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ҳар бир янги даврдаги медиа тили ва услуги ўша давр

ахборотнинг тили ва услуги: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – 248 б.; Алламбергенова П.Қ. Қорақалпоғистон телевидениесининг жанрлари: мавзулар, журналистик ёндашув ва ривожланиш тамойиллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007. – 58 б.; Нурматов А., Дўстқораев Б., Мўминов Ф., Саидов Х., Тошпўлатова Н., Махсумова С. Журналистика назарияси тарихи ва тараққиёти. Ж.1: – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019. -126-130 б., Худойкулов М. Журналистикага кириш. –Т., 2005, - 60 б.; Маматова Я., Арифханова С. Вопросы профилактики насильственного экстремизма: освещение в массмедиа Узбекистана. –Т., 2020. -82 с.; Муратова Н. Онлайн журналистика: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: Қакнус-Медиа, 2019.- 121-122-б., Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2012. -47 б.; Бакиева Г.Х., Тешабоева Д.М. Медиаматнда матн. –Т.: Turon-Iqbol, 2019. -208 б.; Тешабоева Д. ва бошқалар. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. III жилд. –Т.: O‘zbekiston. НМИУ, 2019. – 549 б.

⁴ Костомаров В. Русский язык на газетной полосе (некоторые особенности языка современной газетной публицистики) –М.: МГУ, 1971. – 268 с.; Солганик Г. Стилистика публицистических жанров. — М.: МГУ, 1970. – 170 с.; Розенталь Д. Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. – М.: МГУ, 1980. – 256 с.; Алиева Э.Х. Прагматика газетного заголовка (на материале современных русских и английских газет). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М, 1993. - 27 с.; Антонова Ю. Коммуникативные стратегии и тактики в современном газетном дискурсе (отклики на террористический акт): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007. – 25 с.; Желтухина М.Р. Специфика речевого воздействия тропов в языке СМИ: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2004. – 47 с.; Жуков И.В. Критический анализ дискурса печатных СМИ: особенности освещения северокавказского конфликта 1998 – 2000 гг: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тверь. 2002. -16 с.; Покровская Е.В. Понимания современного газетного текста и его языковые характеристики: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2004. – 44 с.; Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ: современная английская медиаречь. – Москва, 2008. -202 с.; Дускаева М.Р. Диалогическая природа газетных речевых жанров: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. - Пермь, 2004. – 34 с.; Бахтин М.М. Проблема речевых жанров. // Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. – 445 с.; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: ВШ, 1991. - 448 с.; Володина М.Н. Язык средств массовой информации. –М.: Альма Матер Академический проспект, 2008. – 760 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981. – 138 с.

⁵ Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA. 2008, Colin Macfarlane. Hit the Headlines Exciting journalism activities for improving writing and thinking skills. © 2012. P. H. Jones, Sylvia Jaworska, Erhan Aslan. Language and Media. 2nd Edition. -UK, Routledge, 2020. P. 322. Yusuf Yurdigül, Etem Zinderen yeni medyada haber dili (ayşe paşalı olayı üzerinden geleneksel medya ve internet haberciliği karşılaştırması) The Turkish Online Journal of Design, Art and Communication - TOJDAC July 2012 Volume 2 Issue 3.; Özerkan, Ş. A.(2001). Medya, Dil ve İletişim, İstanbul: Martı Yayınları; Yurdigül, Y.(2011). ‘Kurgusal Gerçeklik Bağlamında Haber ve Gerçeklik İlişkisi’, Atatürk İletişim Dergisi, 13-24.

Ўзгаришларини ўзида акс эттиради ва алоҳида тадқиқ этишга эҳтиёж туғдиради.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуги” мавзусида, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университетида “Медиа тили ва услуги” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади медиаматнларнинг лисоний-услубий ўзига хосликларини ўрганиш, унинг тузилмаси, жанрий хусусиятларини, медиаматнларни яратишда лисоний мезонларнинг ўрнини аниқлаш, медиаматнларнинг асосий тоифалари ва типологиясини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

медиамаатнлар бўйича назарий ёндашувлар тадрижи ва парадигмасини таҳлил қилиш;

массмедиада матн ва медиаматн тушунчасини ўрганиш, турларини аниқлаш;

медиамаатнлар тузилмаси, уларда тил воситаларини қўллаш хусусиятларини тадқиқ этиш;

медиамаатнларни лисоний-услубий ва жанрий жиҳатдан тасниф қилиш;

глобаллашув шароитида медиаматнлар сифатини оширувчи лингвистик воситаларни аниқлаш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предметини ОАВ материалларининг тили, услуги ва жанрий хусусиятлари, массмедиада матн ва медиаматн тушунчасини лисоний таҳлил қилиш, медиаматнларнинг талаб даражасида бўлишини белгиловчи лингвистик меъёрларларни аниқлаш ташкил қилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда назарий (таҳлилий-синтетик, таркибий-типологик, контент-таҳлил), узвийлик, индуктив, дедуктив, прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш ва бошқ.) усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий медиаоламда медиаматнларнинг оддий матнлардан фарқли хусусиятлари, массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хосликлар, бугунги кун талабига жавоб берадиган материалларни тайёрлашда лисоний мезонлардан фойдаланишнинг муҳим ўринга эгаллиги аниқланган;

медиамаатнни мулоқот майдонига киритиш стратегиясини яратиш, матнни қисмларга ажратишда интерпретация усулидан фойдаланиш меъёрлари аниқланиб, сарлавҳа мажмуаси, лид, асосий ва хулоса қисмларининг коммуникатив, сегментлаштирувчи, баҳоловчи-экспрессив ва бошқа вазифалари, турлари ҳамда лисоний-услубий хусусиятлари далилланган;

медиаматнларнинг услубий тоифаланиши: расмий, илмий, публицистик, сўзлашув, бадиий, диний-маърифий услуб хусусиятлари аниқланиб, матн таркибида лисоний ва нолисоний воситаларнинг ўзаро боғлиқ келиши, функционал услуб қонуниятининг бевосита муштарак жиҳатлари очиб берилган;

замонавий медиадискурснинг ўзига хос жанр шакллари ва уларнинг конвергенцияси диффузия жараёнида янги интеграциялашган жанрларнинг юзага келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

медиаматнларнинг лексик-семантик, грамматик ҳамда услубий хусусиятлари, унинг функционал услублар таркибидаги ўрни, уларнинг жанрий хусусиятлари ўрганилган;

босма нашрлар, телеканаллар ва интернет сайтларидаги материаллар ўрганилиб, медиаматнларнинг талаб даражасида бўлишини белгиловчи лингвистик қоидалар, матннинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам берувчи лисоний ва нолисоний омиллардан фойдаланишга доир тавсия берилган;

медиаматн яратишда уларнинг таркибий қисмлари ва уларга қўйиладиган услубий меъёрга доир амалий тажрибалар кўрсатилган;

медиаматнларнинг адабий тил меъёрларига амал қилиш даражаси аниқланиб, ушбу соҳадаги хато, камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича назарий мулоҳазалар таъкидланиб, амалий тавсиялар берилган;

тадқиқот мавзусига оид “Медиа тили ва услуби”, “ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара”, “Матндаги нутқий бирликлар”, “Махсус лексика” номли ўқув қўлланмалар нашр этилган. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети бакалавр босқичи талабалари учун “Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши”, “Оғзаки ва ёзма нутқ” ҳамда “Нотиқлик санъати” фанлари бўйича фан ва ишчи дастурлар ишлаб чиқилган, маъруза матнлари, тақдимот ва видеоматериаллар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг илмий адабиётлардан олингани, таҳлилга тортилган босма нашрлар, телеканаллар ва интернет сайтлари, онлайн-ОАВ материалларини таҳлил қилишда интернет манбаларидан фойдаланилгани, таҳлиллар, илмий-амалий хулосаларнинг таснифий, қиёсий услублар орқали асослангани, илмий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилгани, уларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг журналистика, медиалингвистика йўналишида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, бўлажак ва амалиётчи журналистларга медиаматнни яратиш бўйича самарали йўриқнома вазифасини бажаришда муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўйидагилардан иборат: медиаматнларнинг тили, услуби ва жанрий хусусиятлари билан кенг илмий жамоатчиликнинг яқиндан танишишига ёрдам беради ва амалиётчи журналистларга матн яратишнинг самарали усуллари бўйича йўриқнома вазифасини бажаради. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети, Олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси ва журналистика факультетлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети медиа ва коммуникация факультетида “ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара”, “Медиа тили ва услуби”, “Оммавий ахборот тили ва нотиклик санъати” ва “Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши” фанларидан маърузаларни ўқишда; махсус курс ва семинарларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Медиаматнларнинг тили, услуби ва жанрий-услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва амалий таклифлар асосида:

замонавий медиаоламда медиаматнларнинг оддий матнлардан фарқли хусусиятлари, массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хосликлар, бугунги кун талабига жавоб берадиган материалларни тайёрлашда лисоний мезонлардан фойдаланишнинг муҳим ўринга эгаллиги аниқланганлиги каби хулосалардан “Тил ва адабиёт таълими” илмий-методик журнали фаолиятида фойдаланилган (“Тил ва адабиёт таълими” илмий-методик журнал таҳририятининг 2022 йил 29 апрелдаги 20-сонли маълумотномаси). Натижада, тадқиқот таҳририятда журнал саҳифаларини бойитишда, медиаматнни яратиш ва таҳрир этиш жараёнида журналистларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришда ёрдам берган;

медиамаатннинг таъсирчанлигини таъминловчи лингвистик (фонетик, лексик, грамматик) воситаларнинг аҳамиятини ўрганишда, жумладан, тилнинг тасвирий воситалари, паремиологик бирликлар, шахслантиришга доир тавсияларни, ушбу соҳадаги хато, камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича назарий мулоҳазаларни, кўрсатмаларни амалда қўллаш борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалларининг 2022 йил 13 июндаги 01-14-431-сонли маълумотномаси). Натижада, тадқиқот сарлавҳа мажмуаси, лид, асосий ва хулоса қисмларининг коммуникатив, сегментлаштирувчи, баҳоловчи-экспрессив ва бошқа вазифалари, медиаматнларни ўзига хос, таъсирли ва талаб даражасида яратишда ёрдам берган;

медиамаатнни мулоқот майдонига киритиш стратегиясини яратиш, матнни қисмларга ажратишда интерпретация (талқин этиш) усулидан фойдаланиш меъёрлари бўйича таклифлардан Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканалида эфирга узатиладиган “Таълим ва тараққиёт”, “Ўзбекистон ёшлари” номли дастурлари сценарийлари ва матнларини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2022 йил 20 июндаги 04-36-957-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқот медиаматнни яратишда амал қилиниши керак бўлган лисоний-услубий қоидаларни эътиборга олиш, медиаматнлар тузилмасини аниқлаш, ўзбек адабий тил меъёрларига риоя қилишни такомиллаштиришда манба сифатида ёрдам берган;

медиаматн яратишда тил бирликларидан ўринли ва унумли фойдаланиш, матн таъсирчанлигини таъминловчи лингвистик воситаларнинг аҳамияти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 23 июндаги 01-03-828-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқот уюшма аъзоларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш ва публицистик мақолаларни тайёрлаш жараёнида тил воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланишида ёрдам берган;

медиаматнларнинг услубий тоифаланиши: расмий, илмий, публицистик, сўзлашув, бадиий, диний-маърифий услуб меъёрларини амалда қўллаш бўйича “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарининг материалларини тайёрлашда фойдаланилган (“Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарининг 2022 йил 25 июлдаги 93-сонли маълумотномаси). Натижада, ишда таҳлилга тортилган мисоллар газета саҳифаларини бойитишда, матн яратишда ва таҳрир этишда журналистларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга амалий ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 4 та ўқув қўлланма, 1 та хорижий нашр (SCOPUS), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган хорижий нашрларда 5 та, шу мақомдаги республика журналларида 2 та, халқаро илмий тўплам материалларида 12 та, республика илмий тўплам материалларида 5 та илмий иш нашр қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Медиалингвистикада медиаматн тушунчасининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда медиалингвистикада ОАВ тили ва услубини ўрганиш тамойиллари, матн ва медиаматн тушунчаси, медиаматнларнинг асосий тоифалари ва типологияси, массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хослиги ўрганилган.

ОАВ тилини “услубий аспект”да ўрганишдаги асосий муаммо тилнинг турли вазифаларни бажаришига бориб тақалади. Россиялик таниқли олим Г.О.Винокур тилшуносликда анча олдиндан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазифалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, далил сифатида олмон тилшуноси Фон Дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги қуйидаги қарашини келтиради: “Тил – фикрнинг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир. Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантиқий муносабатларинигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истайди; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантиқий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик омил қўшилади”⁶. Тилшуносликка оид замонавий адабиётларда тилнинг, асосан, тўрт-беш вазифаси қайд этилади. Масалан, В.А. Аврорин тилнинг коммуникатив (алоқа қуроли, воситаси), экспрессив (фикрларни ифодалаш), конструктив (фикрларни шакллантириш), аккумулятив (ижтимоий тажриба ва билимларни тўплаш, сақлаш) вазифаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди⁷. Шунинг учун ОАВ тилини тадқиқ қилишда, асосан, уни услубий (стилистик) жиҳатдан ўрганиш аънамага кира бошлади.

Профессор Г. Бакиева ва профессор Д. Тешабаеванинг фикрича, “Медиаматннинг алоҳида концепциясини медиалингвистиканинг асосий назарий таркибий қисми, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур концепциянинг мазмуни шундан иборатки, аънаваний лингвистика учун асосий ҳисобланган матн – “белгили бирликларнинг маъно жиҳатидан боғланган кетма-кетлиги. Унинг асосий хусусияти узвийлик ва яхлитликдан иборат”⁸ деган таърифи массмедиа соҳасига кўчириб ўтказилганда, ўз чегараларини анча кенгайтиради. Бунда медиаматн концепцияси вербал даражадаги белгили тизим чегарасидан ташқарига чиқади ва нафақат вербал, балки ҳар қандай

⁶ Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: 1991. – С. 35.

⁷ Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка., – Л., 1975. - С. 44.

⁸ Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энцикл., 1990. – С. 507.

белгиларнинг узвийлигини назарда тутган ҳолда матн тушунчасининг семиотик талқинига яқинлашади”⁹.

Медиаматнлар турли хил мактаблар ва соҳалар доирасида: социолингвистик, функционал услубият, дискурс назария, контент-таҳлил, когнитив лингвистика, риторик танқид нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Медиаматнларни яратиш ва тарқатиш усуллари уларнинг лисоний ҳажм хусусиятлари, функционал-жанрли таснифлаш, фонологик, синтагматик ва услубий хусусиятлар, талқин этиш хоссалари, маданий-хусусий белгилар, мафкуравий моделлилик, прагматингвистик қимматига боғлиқ. Янги йўналишнинг методологик асосларига қуйидагича таъриф берилади: “Медиалингвистиканинг методологик аппарати оммавий ахборот матнларини тадқиқ этган барча йўналишларнинг ютуқларини бирлаштирган. Буларга дискурсив таҳлил, функционал стилистика ва лингвокультурология (лисоний маданият) кабилар киради”¹⁰.

Шубҳасиз, лингвистик таҳлил усуллари гуруҳи медиалингвистика соҳасида муҳим аҳамиятга эга. “Лингвистик таҳлил усуллари – тилшуносликда медиаматнларни семантик, стилистик, морфологик, синтактик жиҳатдан таҳлил этишнинг анъанавий усуллари гуруҳидир. Медиаматнларни бундай усулда ўрганиш узоқ ва сермахсул анъанасига эгадир.”¹¹ Айниқса, синтагматик ва услубий даражада медиаматн тузилмаси қоидаларини аниқлашга имкон берадиган матнни изчил таҳлил қилиш усули муҳимдир. Синтагматик даражада таҳлил қилиш матннинг муайян турига хос бўлган барқарор мувофиқлик парадигмасини кўрсатади. Масалан, янгиликларнинг синтагматик шакли (ахборотга йўналтирилган матнлар) асосан оғзаки ибораларга таянади.

Услубий таҳлил усули ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг мақсади турли хил услубий воситаларни белгилаш ва уларнинг медиаматннинг умумий коммуникатив нуқтаи назарини амалга оширишдаги ролини аниқлашдир. Тадқиқотни олиб боришда медиаматнларнинг лингвистик хусусиятларидан, медиаматн тузилмасини аниқлашга имкон берадиган таҳлил усулларидан, медиаматнларнинг лисоний-услубий ва жанрий хусусиятларини таҳлил этишдан фойдаланишни ўринли деб билдик. Булардан ташқари медиаматнларни ўрганишда контент-таҳлил ёки социологик усул, дискурсив таҳлил усули, когнитив усул, “реконструкция” (“қайта қуриш”), лингвомаданий (лингвокультурологик) таҳлил усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Медиаматнлар тур ва кўринишларига кўра ҳам таснифланади: ОАВ турлари бўйича медиаматнларнинг яратилиши, тузилиши ва қўлланишига кўра; қабул қилиш усулига кўра; субъект ва фаолият турларига кўра; услубига кўра; дискурсига кўра. Шубҳасиз, бундай таснифланиш шартли ҳисобланади, бу матннинг асосий тоифаларга бўлинишини таъминлайди.

Медиаматннинг асосий тоифалари қуйидагича таснифланади:

⁹ Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. –Т.: Ўзбекистон, 2019. – 71-б.

¹⁰ Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тили. –Т.: O'zkitobsavdonashriyot, 2020. – 28-б.

¹¹ Современный медиатекст: учебное пособие. // отв. ред. Н.А. Кузьмина. – Омск, Полиграфический центр Татьяна, 2011. – С.37.

- медиавийлик;
- оммавийлик, (ОАВ маҳсулотларини яратиш ва истеъмол қилиш соҳасида);
- интегротивлик;
- поликодлик;
- очиклик.

М.М. Бахтиннинг назариясига кўра, ҳар қандай “ўрганиш жараёнидаги ҳақиқат ахлоқий, ҳаётий, ижтимоий ва сиёсий томондан баҳоланган ҳамда тартибга солинган ҳолда қабул қилинади, ушбу жараён ўрганилаётган ҳақиқатга нисбатан ўз позициясига эга бўлиши лозим”¹².

Ҳозирги кунда кенг тарқалган ва тан олинган таснифлашда кўйидаги ўлчамлар ҳисобга олинади: матнни яратиш усули; медиаматннинг шакли; тарқалиш канали; матннинг функционал-жанрий турлари; мавзу доминантаси. Шакл жиҳатдан медиаматнлар вербал ва новербал (масалан, фотосурат) ва аралаш (креолизлашган) турларга бўлинади. Шулардан аралаш турдаги медиаматнлар энг кўп тарқалган. Бундай медиаматнлар тилнинг табиий шаклидан фарқ қиладиган икки хил бир-биридан ҳам ажралиб турадиган – вербал ва новербал белгилар тизимидан иборат. Медиаматнларнинг аралаш турига комикс, карикатура, реклама матнлари киради. Ҳозирда босма ОАВда ҳам медиаматннинг аралаш туридан кенг фойдаланилмоқда. Тарқалиш канали бўйича босма медиаматнлар, радио ва телевизион медиаматнлар ҳамда Интернет ОАВлари матнларига бўлинади. Ушбу ахборот узатиш каналлари медиаматнларнинг таркиби ва уни юзага келтириш шаклига таъсир кўрсатадиган ўз медиавий белгиларига эга.

Медиаматн функционал-жанрий жиҳатдан бир нечта анъанавий гуруҳларга ажратилади: ахборий, таҳлилий ва бадиий-публицистик бўлиб, яна уларнинг таркибига реклама ва пиар жанрларини ҳам киритиш мумкин.

“Мавзу доминантасига кўра медиаматнлар барқарор, ОАВда мунтазам ёритиб бориладиган мавзулар – “buzz-topics” ёки медиатопиклар: сиёсат, бизнес, спорт, маданият, об-ҳаво, халқаро ва ҳудудий янгиликлар ва бошқалар каби турларда бўлиши мумкин.”¹³

“Оммавий мулоқот ижтимоий-мафкуравий, маънавий-маърифий қийматли ахборотни миқдоран катта ижтимоий тоифаланган, ҳудудан тарқоқ аудиторияга баҳоланган, шарҳланган, таъсир қиладиган шаклда оммабоп, ҳаммабоп услубда, техник воситалар орқали бир томонлама йўналишда тарқатиш жараёни (тури) ҳамда бу жараённинг маҳсулидир. Бу жараён психоллингвистик жиҳатдан ахборотни тил ифодасига (нутққа, матнга) кўчириш ва уни қабул қилиш, тушуниш, фаҳмлаш босқичларидан иборат. Биринчи босқич коммуникатор (тахририят жамоаси) фаолиятига, иккинчи босқич адресат (ўқувчи, тингловчи ёки томошабин) муносабатига дахлдор.”¹⁴

¹² Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 24.

¹³ Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ (Современная английская медиаречь). – М.: Флинта: Наука, 2008. – С. 43.

¹⁴ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. –Т.: Университет, 2006. – 49-б.

Демак, медиаматн – маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний хатти-ҳаракатнинг мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нутқий ҳодиса.

Умуман, массмедиавийлик медиаматнларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бошқа параметрларда ҳам ўз аксини топади, уларни илмий тадқиқ этиш ҳозиргача давом этмоқда. Чунки массмедиаининг инсон ҳаётидаги ўрни, инсонни жалб этишдаги усуллари хилма-хил кўринишда амалга ошади. Булар:

- мобиллик ҳамда эркинлик;
- глобаллашув;
- тезкорлик;
- мослашувчанлик;
- интерфаоллик;
- таъсирчанлик;
- визуаллаштирилганлик;
- сторителлинг.

Диссертациянинг **“Медиаматн тузилмаси, унинг лингвоуслубий ва жанрий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида медиаматннинг таркибий қисмлари ва уларга қўйиладиган талаблар, медиаматнларнинг лингвоуслубий ўзига хослиги, медиаматнларда жанр масаласи ҳақида фикр юритилади.

Сарлавҳа баҳоловчи-экспрессив вазифани бажарган ҳолда газета материалларининг эмоционал таъсирини шакллантиришда иштирок этади. Сарлавҳа ўқувчини жалб этишнинг ўзига хос қуроли, лекин асосий матнда ҳам сарлавҳа уйғотган қизиқишни сақлаб қолиш, уни оқлаш жуда муҳим. Жарангдор сарлавҳа ёзиб, асосий матнда ўқувчи қизиқишини қондира олмаслик ўқувчи ишончини йўқотишга олиб келади. Кейинги мақолалардаги *“жарангдор”* сарлавҳаларга ўқувчи ишонмай қолиши мумкин: *“Бошидан ўтган табиб”*¹⁵, *“Жигилдоннинг қайнаши – нафсни тия олмаслик оқибати”*¹⁶, *“Хотирани бошқариш бўйича тавсиялар”*¹⁷.

Аллитерация усули ҳам сарлавҳанинг эсда қоларли бўлишига хизмат қилади. Унда ундош ҳарфлар қайтарилиши ёрдамида ўзига хос қофия яратилади. Масалан, *“Ерни “Ерлик”лар ер”*¹⁸, *Калитсиз “калит сўзлар”*¹⁹, *“Ерники ерга, сувники сувга...”*²⁰.

Қарама-қаршиликлар ва ноодатий иборалар ҳам эътибор тортади, бошқа сарлавҳалардан ажралиб туради. Масалан, *“Ўқитувчиларни 6 ёшда лол қолдирган бола”*²¹, *“Шаҳар билан қишлоқ оралигида”*²².

¹⁵ Шифо-инфо. // 2019 йил 19 октябрь.

¹⁶ Шифо-инфо. // 2019 йил 19 октябрь.

¹⁷ Шифо-инфо. // 2019 йил 19 октябрь.

¹⁸ Ёшлар овози. // 2019 йил 25 сентябрь.

¹⁹ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. // 2022 йил 4 март.

²⁰ Hurriyat. // 2022 йил. 19 май.

²¹ Ёшлар овози. // 2019 йил 2 июль.

²² Hurriyat. // 2022 йил 19 май.

Интернет саҳифаларида ноанъанавий сарлавҳалардан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, “Чирчиқда “қўлда” кўп миқдорда дори сотаётган шахс ушланди”, “Сайёҳларга электрошокер қўллаган ИИО ходимларининг раҳбарлари ҳам “учди”, “Умирзоқов ўтказган йигилишида икки ҳоким ўринбосари “учди”, 19 нафари ҳайфсан олди”²³. Бундай сарлавҳалар реципиентда қизиқиш уйғотиши табиий.

Аксарият медиаматнларда сарлавҳадан кейин лид жойлашади. Сарлавҳа билан лид, аслини олганда, маълумотни етказиш жиҳатидан бир-бири билан беллашмайди, аксинча, бир-бирини тўлдириб, маълумотнинг аниқ ва тўлиқ бўлишига хизмат қилади. Сарлавҳада ёритиш имкони бўлмаган муҳим фактлар лид қисмида ўз аксини топади. Масалан, “*Ҳарбийлар ҳузурида*”, деган сарлавҳа ўз ичига фақат қаерда? деган саволга жавобни олади. Давоми: “*Наврўз айёми кунлари Сурхондарё вилоятининг Сариюсиё туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, халқ шоирлари, маҳаллий ижодкор ва санъаткорлар иштирокида байрам учрашувлари, шеърхонлик кечалари билан адабий-бадиий тадбирлар ўтказилди*”. Мақоланинг бош қисмидаги лидда эса сарлавҳада келтирилган маълумот тўлдирилади.

Бир гапнинг ўзида мақоланинг асосий саволларига (ким?, нима?, қачон?, қаерда?, қандай?) жавоб бериш талабини бажаришда ўта эҳтиёткор бўлиш керак. Бутун материал мазмунини битта гапга жамлаш натижасида чалкашлик юзага келиши мумкин. Лид, асосан, содда гаплардан тузилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Баъзида гаплар мураккаб гап тузилмасини ташкил этганда, маъно жиҳатдан бир-бирига мос ва уйғун бўлиши лозим. Бунда яна қисқаликка (локанизм) ва тушунарли бўлишига аҳамият бериш лозим. Ахборот матнларини ёзишда, лид, асосан, ўқувчи диққатини тортиш мақсадида ишлатиб келинган²⁴.

Лиднинг бир нечта тури мавжуд:

1. **Асосий** – лиднинг бу тури мақоланинг асосий мазмунини қисқа шаклда ифодалайди. Масалан, *Юртимизда кишилар тушунчалари, меҳнатга ва турмушга муносабатлари янгиланаётгани яққол кўзга ташланиб қолди. Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган кенг қўламли ислоҳотлар ватандошларимиз онгида ҳам катта ўзгаришлар ясади*²⁵.

2. **Эпизодик** – лиднинг бу тури воқеага тегишли бўлган эпизод асосида яратилади. Масалан, “*Ота ўз касбини ўғли давом эттиришини хоҳларди. Аввалига диний, кейин шўро мактабида таҳсил олган Набижон эса киночи бўлишни истарди. Умрини қассоблик билан ўтказган Ғани ака суюкли фарзандининг ўз сўзида қатъий туриб олганини кўриб, уни Москвага ўқишга юборишга мажбур бўлди. Шу тариқа Ғани қассобнинг ўғли 1921-25-йилларда Москва Кинематография институтида таҳсил олиб, кинорежиссёр бўлиб қайтди. Буюк ўзбек кинорежиссёри деган ном қозонган Наби Ғаниев (1904-*

²³ <https://qalampir.uz>

²⁴ Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA. 2008. 66-р.

²⁵ Янги Ўзбекистон. // 2022 йил 2 июль.

1953) ўзбек кино саноати юксалишига Худойберган Девонов, Сулаймон Хўжаевлар билан бир қаторда катта ҳисса қўиди”²⁶.

3. **Иқтибос шаклидаги лидлар** – мақоланинг асосий қисмини таърифлаб беради. Масалан, “...Газета бир ойнаи жаҳоннамодурки, тамом ҳаракат ва аҳволи аҳли илм буларнинг воситаси-ла билиниб турадур. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараққийси ва ё инқирози налар ила ўлажагини камокона билур.” *Ҳожи Муин*²⁷.

4. **Резонанс** – лиднинг бу турида асосий мавзудан четлашган ҳолда ўқувчи эътиборини тортиш учун кескин асосий мақсадга ўтилади. Масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган С.Мелининг “Мухаммас – мулоқот майдони” сарлавҳали мақоласи мумтоз адабиётимиздаги шеърӣ шакл, ҳам адабий жанр бўлган мухаммас ҳақида ёзилган бўлиб, унинг лиди мавзуга оид бўлмаган фикрлар билан бошланади: “Сон, маълумки, математик тушунча, у нарса-ҳодисалар саногини кўрсатадиган воситагина бўлмай, ҳодисага бевосита таъсир ўтказувчи тинимсиз ҳаракатдаги куч ҳам. Қадимги Юнон донишманди Пифагор оламдаги барча нарса-ҳодисалар сонлар ва улар орасидаги муносабатда аниқланади, дея ишонган. Унинг “Ҳамма нарса сондир” деган ҳикмати сўзи ҳамон ҳаракатда. Ҳазрат Навоӣ машҳур рубоӣсида “Сондин сени кўп севарман, эй умри азиз” дея умрга мурожаат қилар экан, бундаги “сон” нимани англатиши ҳақида узоқ бош қотириши мумкин. Сон вужудга эга бўлиши ва нарса-ҳодисаларга яратувчи куч, демиург сифатида таъсир ўтказиши кўплаб ҳаётӣ мисолларда ўз исботини топади. Миқдор (яъни сон) ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келиши ҳақидаги умумфалсафӣ қонун ҳам ушбу фикрнинг давомидир”²⁸. Муаллиф матнни сон ҳақидаги фикрлар билан бошлаб туриб, асосий қисмда мухаммас (луғавӣ маъноси бешлик) ўз тузилишига кўра сонга қурилган жанр эканлиги ҳақида батафсил маълумот беради. Мақоланинг биринчи ва иккинчи гаплари мақоладаги энг қизиқ ва муҳим фактлар резюмеси бўлиб, асосан, қисқа ва умумлашган ҳолда мақоланинг асл маъносини акс эттиради. Мақоланинг асосий мазмунига нисбатан мазкур қисмлар “суперлид” вазифасини бажаради.

Ушбу бобда барча услубга оид медиаматнлар таҳлилга тортилгани назарӣ фикрларни асослашга ёрдам берган. Таҷрибали журналистлардан А. Мелибоев, Х. Файзиева, Ф. Бердиеваларнинг ижод намуналари услуб ва тил жиҳатдан таҳлил этилган. Масалан, А. Мелибоев қаламига мансуб публицистик мақолаларни ўқиганда, ўқувчи бевосита мақола “исканжаси”да қолади. Журналист, биринчидан, энг долзарб ва ўқувчини ўйлашга мажбур қиладиган мавзуни топа олади. Иккинчидан, мавзуни ўзига хос услубда, ўзига хос тилда баён эта олади. Учинчидан, мақола асосланган, аниқ факт ва далиллар, мисол ва ривоятлар билан тўлдирилган бўлади.

Масалан, “Нажот эшигининг калити”²⁹ номли мақолага эътибор қаратсак: “Мавзу йўналишини ўзгартираётганим йўқ. Дунёда мавжуд

²⁶ Hurriyat. // 2022 йил 19 май.

²⁷ Янги Ўзбекистон. // 2022 йил 2 июль.

²⁸ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. // 2022 йил 3 июнь.

²⁹ <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/ahmadjon-meliboev-najot-eshigining-kaliti/>

жамики сув манбаларининг тўқсон етти фоизи истеъмол учун яроқсизлигидан хабардормиз, аммо парвойимиз палак. Бозорда деҳқон билан ярим соат тортишиб, битта тарвузни 5 минг сўмга сотиб оламиз-да, ҳовлига олиб келиб, камида минг литр сувни оқизиб, уни совутамиз. Дунёнинг не-не мамлакатларида ичимлик сувининг баҳоси қанчалигини билсак-да, ҳовлига, йўлакларга олачалоқ қилиб ҳам эмас, кўллатиб сепамиз, қўлбола фаввора ясаймиз. Набиралар бир-бирларига сув сепиб, кийимларини жиққа ҳўл қилиб мириқишади. Япониядан келган олимдан бошқа ҳеч ким бунга парво қилмайди. Чунки Орол қуриб битаёзган бўлса-да, сув сероб деган фикр ҳали-ҳануз ўзгармаган. Бир-биримизни **“Сувдек сероб бўл”**, деб дуо қиламиз. Баҳорда сел келиб, ҳар жой-ҳар жойда уйилиб ётган чиқиндиларни оқизиб кетса, **“Яхшиям сув бор”**, дея хурсанд бўламиз. **“Сувга тупурма, ахлат ташлама, қудуққа тош тўкма, ювиндини ариққа оқизма”**, деган ўғитларни кўпчилик унутиб бўлган...”³⁰

Ушбу мақола публицистик асарга қўйилган талабларнинг барчасига жавоб беради. Мавзу долзарб, услуби содда, тили эса жозибали. Матнда расмий, илмий, бадий ва сўзлашув услубидан ўринли фойдаланилган. Масалан, *“...Дунёда мавжуд жамики сув манбаларининг тўқсон етти фоизи истеъмол учун яроқсизлиги, экспертларнинг хулосаларига кўра, 2025 йилга бориб, 5 миллиард киши сув танқислигига дучор бўлади...”* жумлалари расмий услубга хос бўлса, парвойимиз палак, олачалоқ қилиб, сипқоради сўзлари сўзлашув услубига хосдир. Мақол ва маталлардан ўринли фойдаланилган: *“Отанг мироб бўлса ҳам, сувни исроф қилма”*, *“Сувга тупурма, ахлат ташлама, қудуққа тош тўкма, ювиндини ариққа оқизма, “Сувдек сероб бўл”* кабилар матннинг таъсир кучини янада оширган. Аниқ рақамлардан фойдаланиш орқали фикрлар далилланган. Буларнинг барчаси матннинг таъсирли ва асосли бўлишини таъминлаган.

